

Ўзбекистон ва Афғонистон Мозори Шарифда Имом ал-Бухорий номидаги мадрасани қуриш масаласини муҳокама қилди



11:18 / 24.10.2024 919

Афғонистон томони Ўзбекистон раҳбариятига Афғонистонга кўрсатилаётган доимий ёрдам ва қўллаб-қувватлов учун ташаккур изҳор этди.

Мамлакатимиз элчихонаси кўмагида Ўзбекистон Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Афғонистон Шаҳарсозлик вазирлиги мутасаддилари ўртасида видеоконференцалоқа форматда музокаралар ташкил этилди. Бу ҳақда dunyo.info нашри хабар берди.

Учрашувда Афғонистон томонидан, шунингдек, Балх вилояти маъмурияти, Ташқи ишлар вазирлиги бўлими, вилоят ҳудудий шаҳарсозлик бошқармаси

раҳбарияти ва вакиллари қатнашди.

Томонлар ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича амалий фикр алмашдилар. Мозори Шариф шаҳрида «Имом ал-Бухорий» номидаги мадрасани қуриш ишларига эътибор қаратилди.

Мазкур мадрасанинг Ўзбекистон томонидан бунёд этилиши тили ва анъаналари, маънавий қадриятлари ва маданиятлари ўхшаш бўлган халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.